

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”**  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**  
*(2015 йил 21- декабрдан 26-декабргача)*

**№16**

**Тошкент – 2015**

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИ АРАБ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қатар давлатининг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва Мухтор Элчиси этиб янги тайинланган (қароргоҳи Техронда жойлашган) Али бин Хамад Али ал-Сулайтини қабул қилди. Элчи Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Ишонч ёрлиғини топширди. Бўлиб ўтган суҳбат давомида икки томонлама муносабатларни БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ривожлантиришнинг истиқболлари кўриб чиқилди. Қатар Элчиси мамлакати раҳбарининг Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли соҳаларда, хусусан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга тайёрлигини билдирди. Али бин Хамад Али ал-Сулайтининг таъкидлашича, Қатарнинг Ўзбекистонга бўлган катта қизиқишини ва унинг Президентига бўлган ҳурматини, Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг Доха шаҳрида араб тилида чоп этилганидан ҳам билиш мумкин. Учрашувда томонлар бир қатор халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро фикр алмашдилар.

Давлат органлари фаолияти очиклиги фуқароларнинг ахборот олишдаги ҳуқуқини кафолатламоқда

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юртимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги бунда алоҳида ўрин тутаяди.

Бу, ўз навбатида, ушбу органлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлашга, уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида аҳолининг хабардорлигини кенгайтиришга имкон яратаяди. 2014 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси томонидан мазкур Қонун ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар хусусида сўз юритилди. Унда ушбу ҳуқуқий ҳужжат талабларининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидаги ижросини ўрганиш яқунлари муҳокама этилди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

фаолятининг очиклиги ҳамда ошкоралигини таъминлашга оид механизмларни ҳаётга изчил жорий этишга барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратилган. Булар аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминламоқда. Тадбирда Қонун нормалари ижросини таъминлаш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Фарғона вилоятидаги давлат органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Парламент қуйи палатаси депутатлари, ахборот соҳаси мутахассислари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларида иборат ишчи гуруҳининг аниқлашича, интернетда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари фаоляти йўлга қўйилган ҳамда тизимли равишда маълумотлар билан тўлдириб борилапти. Зарур ахборотларни ҳамма кириши мумкин бўлган жойларга жойлаштириш, архив ҳамда ахборот-кутубхона фондлари орқали тақдим этиш тизими жорий қилинган. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаоляти тўғрисида ахборотлар тайёрлаш, уларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, жамоатчилик билан ишлаш мақсадида ахборот хизматлари фаоляти йўлга қўйилаётир.

— Мазкур Қонун журналистлар томонидан ахборот олиш, тўплаш ҳамда тарқатиш масалаларида тезкорлик ва холисликни таъминлашга, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаоляти тўғрисида аниқ ахборот олишга, қисқача айтганда, давлат органлари ва жамоатчилик ўртасида самарали ахборот алмашиш механизмини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда, — дейди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Расул Кушербаев. — Ўрганилган субъектларда бу бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, айрим камчиликлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шу боис муҳокама жараёнида мазкур субъектлар фаоляти очиклигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш, ахборот хизматларига соҳа мутахассисларини жалб этиш, веб-сайтларни зарур маълумотлар билан вақтида тўлдириб бориш, давлат органлари фаоляти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмини ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда, шунингдек, ушбу Қонунни амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилаётган қарорлари бўйича масъулятини янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Яқунда муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ижтимоий шериклик ва манзилли дастурлар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутмоқда

Пойтахтимизда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳамда ногиронларни ижтимоий кўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари катнашган мазкур тадбирда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ҳамда маънавий кўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонларга ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ҳамда жамиятда ва ёшларни миллий қадрият ҳамда анъаналар руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Чунончи, 2015 йилнинг Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилингани ва шу муносабат билан тасдиқланган Давлат дастурининг айни чоғда изчил рўёбга чиқарилаётгани жамоатчиликнинг кекса фуқаролар ҳаётига бўлган эътиборини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда. Конституциямиз, у асосда қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар отахону онахонларга ғамхўрлик ва диққат-эътиборни кучайтириш, уларнинг турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий кўмак бериш тизимини такомиллаштиришда муҳим омил бўлаяпти. Биргина жорий йилда ушбу саъй-ҳаракатларга 2 триллион 246 миллиард сўм ҳамда 225 миллион АҚШ доллари сарфлангани бунинг амалий ифодасидир. Шу билан бирга, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, ушбу йўналишдаги тизимни такомиллаштириш, уларнинг турмуш даражаси ҳамда ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2011 — 2015 йилларга мўлжалланган махсус дастур самарали рўёбга чиқарилаётир. Муҳокамаларда қайд этилганидек, юртимизда ижтимоий кўмакка муҳтож уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг, қолаверса, ёлғиз кекса инсонларнинг ижтимоий-маиший шарт-шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, соғлиқни сақлаш муассасаларида малакали мутахассислар томонидан уруш ҳамда меҳнат fronti фахрийлари, пенсионер ва ногиронлар чуқур тиббий кўриқдан ўтказилди. Натижада қарийб 118 минг киши соғломлаштирилди, мингдан зиёд нуронийлар — уруш ҳамда меҳнат fronti қатнашчилари, ёлғиз қариялар ва ногиронлар республикамиз санаторийларига бепул йўлланмалар билан таъминланди. Пенсионер ҳамда ногиронларга ногиронлар аравачалари, эшитиш мосламалари ва бошқа реабилитация воситалари тақдим этилди. Маҳалла гузарларида ҳамда уларга яқин жойлашган спорт ва тиббиёт муассасаларида кексалар учун мўлжалланган мунтазам соғломлаштириш гуруҳлари ташкил этилди. — Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ҳамда ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, — дейди сенатор Хайрулла Ҳикматов. — Кексаларга хурмат-эҳтиром,

меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг, асрлар давомида шаклланган миллий кадрятларимизнинг том маънода ажралмас қисми ҳисобланади. Бинобарин, қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлиши ҳаётий ҳақиқатга айланган. Шу боис юртимизда ёши улуғ инсонлар, айниқса, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий муҳофаза этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада қабул қилинган дастурлар ижроси самарадорлигини оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни ниҳоятда катта бўлапти. Бунда, айниқса, жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун муҳим дастуриламал сифатида хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан бир қаторда, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, “Маҳалла”, “Нуруний”, “Соғлом авлод учун” сингари фондлар, “Камолот” ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ёлғиз кексалар, ногиронлар ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож шахсларга ёрдам кўрсатиш борасида эзгу ишларни амалга ошираяпти. Тадбирда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларида вазирлик ҳамда идораларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Шунингдек, ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш зарурлиги қайд этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Ўзбекистон капитал қўйилмалар учун дунёнинг энг яхши мамлакатларидан биридир»

Ўзбекистоннинг Куала-Лумпурдаги элчихонасида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралари, “Lincoln University College”, “Binary University of Management & Entrepreneurship”, “UCSI University” сингари таълим муассасалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбир якуни бўйича унинг айрим қатнашчилари “Жаҳон” ахборот агентлигига интервью берди.

**Кохилан ПИЛАЙ, Малайзия Бош вазирининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича маслаҳатчиси:**

— Мустаҳкам ва вақт синовидан ўтган Ўзбекистон — Малайзия муносабатлари бугунги кунда шитоб билан ривожланишда давом этмоқда. Ўзаро ҳамкорлигимиз доирасида шу йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро инвестиция форумида мамлакатимиз делегацияси ҳам қатнашди. Биз Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳити яратилганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Сафар чоғида пойтахтингиздаги корхоналардан бирида мойлаш материаллари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корxonани йўлга қўйиш юзасидан қарор қабул қилинди. Унда тайёрланадиган маҳсулотлар қўшни давлатларга экспортга чиқарилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзаро ҳамкорликни, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш имконини берадиган шароитлар яратилгани, шунингдек, хорижий сармоядорлар кўллаб-қувватланаётгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

**Макс СЭЙ,Осиё Стратегия ва етакчилик институти вице-президенти:**

— Ўзбекистон Конституцияси мустақил мамлакат қурилишининг мустақам ҳуқуқий асоси ҳисобланади. У кўп асрлик ўзбек давлатчилигининг замонавий дунёдаги ифодаси бўлиб қолди. Мен юртингизга бир неча мартаба борганман. Ҳар сафар Ўзбекистоннинг тез суръатларда ривожланиб бораётганига, қишлоқ ва шаҳарларда қурилиш ишлари кўлами нақадар кенг эканлигига гувоҳ бўламан. Буларнинг барчаси ўзбек халқининг яратувчанлик шижоати ҳамда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида буюк тарихни асраш, аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган пухта ва узоқни кўзланган сиёсат самарасидир.

**Прамеш ТУРАИСИНГАМ, “Xing Group Berhad” компанияси ижрочи директори:**

— Ўзбекистон капитал қўйилмалар учун дунёнинг энг яхши мамлакатларидан биридир.

Биз 20 МВт қувватга эга қуёш электр станциясини қуриш бўйича лойиҳани, шунингдек, қўшимча равишда яна бошқа истиқболли йўналишларни молиялаштиришни режалаштирмақдамиз.

Республикангиз қулай жуғрофий жойлашувга эга. Бу минтақанинг барча давлатидаги бозорларга чиқиш имконини бериши баробарида, бундан кейинги иқтисодий тараққиётни ҳам таъминлайдиган муҳим омиллар сирасига қиради.

Мақсад — Олимпиадада муносиб иштирок этиш

...Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг янги ва замонавий биносига ташриф буюрар экансиз, беихтиёр унинг олдидаги таблога кўзингиз тушади. Тесқари ҳисоб юритадиган ушбу қурилмада Рио-де-Жанейрода бўладиган Олимпия ўйинлари бошланишига неча кун қолгани акс этиб туради. Айтайлик, бугун таблода 223 рақами ифодаланган.

Спортчиларимиз эса ана шу беллашувларга муносиб ҳозирлик кўриш жараёнини анча олдин, яъни 2013 йилдан бошлашган. Зеро, ўша йили 25 февралда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳри (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжат асосида спортчиларимиз ўқув-машғулот йиғинлари, турли халқаро мусобақаларда иштирок этиш орқали маҳоратларини ошириб боришяпти. Ўз

навбатида, тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжуманига йўлланма олаётган ҳамюртларимиз сони ҳам тобора ортиб борапти. Бу, албатта, барчамизни кувонтиради.

Кеча Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасида ташкил этилган анжуманда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Таъкидланганидек, 2014/2015 йиллар давомида Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича катталар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатларида жами 18 нафар спортчимиз совриндор бўлди. Уларнинг 14 нафари олтин медаллар билан тақдирланган. Шунингдек, ўтган давр мобайнида атлетларимиз томонидан Олимпиада ўйинларига 26 та, Паралимпия ўйинларига эса 24 та йўлланма қўлга киритилган. Хусусан, энгил атлетика бўйича 7 та, бокс, байдарка ва каноэда эшкаш эшиш ҳамда оғир атлетика спорт турларида 5 тадан, таэквондо (WTF), сузиш, эркин ва юнон-рум курашида биттадан лицензияга эга бўлинди. Паралимпиячиларимиз энгил атлетика (10 та), дзюдо (8 та), сузиш (4 та), ўқ отиш ҳамда пауэрлифтинг каби турлардан (биттадан) йўлланмани қўлга киритдилар. Анжуман доирасида дунё биринчиликлари совриндорлари, “Рио — 2016” йўлланмасини олган спортчиларимиз, уларнинг мураббийлари, ота-оналари, мамлакатимизда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга муносиб улуш қўшаётган бир қатор юртдошларимиз мукофотланди. — Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ҳар томонлама ривожлантириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаяпти, — дейди жорий йилда Қатарнинг Доха шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати кумуш медали ҳамда Олимпиада ўйинлари йўлланмаси соҳиби Фазлиддин ўйибназаров. — Бундай ғамхўрлик бизни янги марралар сари руҳлантиради, Ватанимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ютуқлари салмоғини янада юксалтиришга ҳисса қўшиш йўлида қанот бағишлайди. Мақсадим — Бразилияда олтин медалга сазовор бўлиб, юртимиз байроғини бошим узра баланд кўтариш. Тадбирда 2016 йилда ҳам Рио-де-Жанейро мезбонлик қиладиган нуфузли баҳсларга лицензия берадиган яна кўплаб турнирлар ўтказилиши ҳақида айтиб ўтилди. Умид қиламизки, уларда спортчиларимиз муваффақиятли қатнашишади. Маросимда Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциациясига Халқаро Олимпия қўмитасининг “Спорт ва инновация” номинацияси бўйича махсус мукофоти топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳодиев сўзга чиқди.

Хавотирли тахмин

Япониянинг электроника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Toshiba” компанияси жорий молиявий йил (2016 йил март ойида яқунланади) бўйича прогнозини маълум қилди.

Унга кўра, мазкур даврда корхона 550 миллиард иена (4,5 миллиард АҚШ доллари) миқдорида зарар кўриши кутилаяпти. Бу унинг охириги йигирма йилда олган даромадидан икки баробар кўпдир. Вазият жиддийлиги боис “Toshiba” телевизор, компьютер ва маиший техника воситалари тайёрланадиган бўлимларида реструктуризация жараёнларини амалга оширишни режалаштирмоқда. Оқибатда қарийб 6800 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга тўғри келади. Шунингдек, компания Индонезиядаги заводи ҳамда Токиодаги тадқиқот мажмуасини сотиш ниятида.

**Андоза олганликда айбланди**  
АҚШнинг “Caterpillar” корпорацияси саноат сирларини ўғирлаганлиги учун Буюк Британиянинг “Miller” компаниясига 74 миллион доллар миқдорида товон пули тўлайди.

“Уолл-стрит-жорнал” нашрининг ёзишича, АҚШнинг Иллинойс штати суди томонидан даъвогар фойдасига худди шундай қарор қабул қилинган. “Туманли Альбион”нинг компанияси океанортидаги ҳамкорига экскаватор ва бошқа махсус техникалар учун тиркамалар, ковшлар ҳамда бошқа қурилмаларни етказиб берувчилардан бири ҳисобланарди. 2009 йилда “Caterpillar” “Miller”нинг тиркама механизмларидан нусха олиб, ўз маркаси остида ишлаб чиқариб, сотганликда айбланди.

**Қисқабурун топилди**  
Олимлар томонидан ўарбий Австралия соҳилларида қирилиб кетган, деб ҳисоблаб келинаётган ноёб денгиз илони топилди. Қисқабурун номини олган ушбу жонзотга охириги марта бундан ўн беш йилча олдин маржон қояларида дуч келинган. Бу ҳақдаги илмий мақола “Биологик муҳокамалар” журналида чоп этилди. Таъкидланишича, айти пайтда денгиз илонларининг кўплаб турлари сони қисқариб бормоқда. Биологлар ҳозиргача бунинг сабабини аниқлай олганлари йўқ. Шунинг учун уларни муҳофазага олиш, кўпайишини синчковлик билан кузатиб бориш, улар дучор бўлаётган хавф-хатарларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

**Сув тубидаги гумбаз**  
Анд тоғларининг Чили худудидаги Лагуна-дель-Мауле вулкони майдонида жойлашган қадимги кўл сатҳи охириги ўн йилда 67 метр кўтарилган. Геологлар буни яқинда соҳага оид бўлиб ўтган илмий конференцияда маълум қилдилар. Чўғланган магманинг мунтазам тарзда кўлга тушиши бунга сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Бундай модда сувга қўшилгач, совиб қотади ҳамда тубга чўкади. Мазкур жараённинг узоқ вақт давом этиши натижасида кўл тагида катта яхлит гумбаз пайдо бўлган. Шунинг учун сув сатҳи кўтарилиб борапти.

Шижоат ва нафосат уйғунлиги

Навоийда “Гимнастика барча учун” спорт мусобақасининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Гимнастика федерацияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган турнирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 17 жамоа қатнашди.

Мусобақанинг очилиш маросимида мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилган таъкидланди.

“Гимнастика барча учун” беллашуви ҳам бу борада алоҳида аҳамиятга эга. Чунки гимнастрадада кўплаб спорт турларининг фойдали жиҳатлари мужассамлаштирилган. Хусусан, бадий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин, замонавий рақс, фитнес каби машғулотлар уйғунлаштирилгани туфайли ҳам унга қизиқиш юқори. Қолаверса, гимнастрада билан шуғулланиш учун ёш чегараланмайди. Мусобақада 14 ёшгача бўлган қизлар, аралаш ва 45 ёшдан юқори бўлган аёллар жамоалари тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ҳамда гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди. Яқунда Зарафшон шаҳрининг (Навоий вилояти) “Fanky Dance” жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Қолаверса, бир қатор номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилди.

Қитъа чемпионатида олтига олтин

Малайзияда таэквондо (ITF) бўйича ўтказилган Осиё очик чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этди.

13 давлатдан 400 нафарга яқин спортчи қатнашган мазкур нуфузли мусобақада вакилларимиз тил, масоги ва спарринг баҳсларида олтига олтин медалга сазовор бўлди. Жумладан, истеъдодли таэквондочимиз Умиджон ўаниев икки бор шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ойноз ўаниева, Жасур Салимов, Сайидмурод Иноятов ва Муҳаммаджон Умаров ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай, муваффақиятга эришишди.

**Ёш шахматчилар баҳси**

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, навқирон авлод ўртасида шахмат кенг оммалашиб бормоқда. Албатта, бунга анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган турли мусобақалар ҳам катта туртки берапти. Хусусан, ўн тўрт ёшгача бўлган ўғил-қизлар иштирокида уюштирилган навбатдаги “Тошкент қиши” турнири шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда бир юз элликка яқин ёш иқтидор эгалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда дона сурди. Яқунда “А” гуруҳида Нодирбек Ёқуббоев биринчи (7,5 очко), Саидакбар Сайдалиев иккинчи (7 очко), Борис Лебедев (6,5 очко) учинчи ўринни эгаллади. Лебедев билан бир хил очко йиғишга муваффақ бўлган Алишер Бекмуродов,

Георгий Шванов ва Абдумалик Абдусалимовга кейинги ўринлар насиб этди. “В” гуруҳида эса Ситора Сапаровага тенг келадигани топилмади. У тўққиз турнинг еттитасида рақибларини мағлубиятга учратди ҳамда иккитасида дуранг қайд этди. Шундай қилиб, 8 очко жамғарди. Ҳадиятулло Муҳаммедов ва Меҳриддин Йўлдошев совриндорлар қаторидан жой олди.

**Учинчи тур ниҳоясига етди**  
Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида мини-футбол бўйича мамлакат XX миллий чемпионати биринчи босқичининг учинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Уларда қутилмаган натижалар қайд этилмади. Яъни пешқадамлар зафарли юришларини давом эттиришди. Хусусан, турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган Тошкентнинг “Ардус” жамоаси Самарқанднинг “Нафис” (4:3), Когоннинг “Когон” (6:2), пойтахтнинг “Бунёдкор” (4:1), Қаршининг “Дўстлик-АИН” (6:4) клубларини мағлубиятга учратди. Унинг асосий таъқибчиси Олмалиқнинг “Олмалиқ” жамоаси тур доирасидаги барча баҳсда зафар кучди. Совриндорликка яна бир даъвогар “Дўстлик-АИН” эса пешқадам билан кечган мурасиз беллашувдаги муваффақиятсизлигини ҳисобга олмаганда, қолган учта ўйинда — “Максам-Чирчиқ”, Тошкентнинг “Локомотив” ва “Пахтакор” клубларидан устун келди. Айни пайтда “Ардус” ҳисобида 36 очко бўлса, “Олмалиқ” 33, “Дўстлик-АИН” эса 31 очко билан кейинги ўринларда бормоқда.

**Ахборот соати раҳбари**

**Тугалов А**